

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Энергетика ва саноатни ахборотлаштириш факултети
Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

*МАВЗУ: АНИМАЦИЯЛАРНИ ЯРАТИШДА ХАРА 3D
ДАСТУРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ЎРГАТУВЧИ
ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚИШ*

Топширди:

М.Махмудалиева

БМИ раъбари:

т.ф.н. Т. Жўраев

Мундарижа

Кириш	5
И-БОБ. ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ	
1.1. Таълим жараёнларига ахборот технологиялар қўллашнинг аҳамияти.....	8
1.2. Замонавий ахборот ўқитиш муҳитлари тушунчаси ва педагогик моҳияти.....	14
1.3. Масаланинг қўйилиши.....	23
ИИ-БОБ. АНИМАЦИЯЛАРНИ ЯРАТИШДА ХАРАЗД ДАСТУРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	
2.1. ХараЗД дастурининг интерфейси ва ускуналар панели тавсифи.....	25
2.2. ХараЗД да объектлар билан ишлаш.....	41
2.3. “ХараЗД да объектлар билан ишлаш” мавзусида дарс сценарийси ҳамда таълим технологиясини ишлаб чиқиш.....	46
ИИИ-БОБ. АНИМАЦИЯЛАРНИ ЯРАТИШДА ХАРАЗД ДАСТУРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ЎРГАТУВЧИ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚИШ	
3.1. Дастурни яратиш технологияси.....	54
3.2. Дасатрудан фойдаланиш йўриқномаси.....	65
ИВ-БОБ. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
4.1. Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва асосий муҳофаза воситалари.....	69
4.2. Электр қурилмаларида қўлланиладиган шахсий муҳофаза воситалари.....	70
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

Кириш

Маълумки, кейинги пайтларда республикамизнинг қатор қарорлари асосида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини таълимнинг барча сохаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига кириб боришини кенгайтириш, таълим муассасаларининг ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш, талабаларнинг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларни эгаллашга ҳамда фаол қўлланишга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Мазкур вазифаларнинг хал қилиниши таълимни компьютер ва ахборот технологиялари асосида ташкил этишни талаб этади. Чунки, бу технологияларнинг замонавий педагогик имкониятлари, анъанавий таълим бериш имкониятларидан анча устун туради.

Компьютер ва ахборот технологиялари талабаларга ахборотнинг ноанъанавий манбаларига кириб боришнинг чексиз имкониятларини очиб беради, мустақил ишлашнинг самарадорлигини оширади, ижод қилиш, яратиш ва турли касб малакаларини мустахкамлаш, ўқитишни янги шакл, усул ва воситаларини амалга ошириш имконини беради.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда таълим жараёнида электрон ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш илмий-техника тараққиёт технологиялари талабларидан бири. Улар таълим жараёни самарадорлиги ва ўқитиш сифат оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Матн, товуш, графика, фото, видеони ўзида бирлаштирувчи мультимедиа-технологиялар замонавий ахборот технологияларининг муҳим таркибий қисмидир. Ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қайта тиклаш воситаларидан фойдаланиш оддий ишга айланди. шубҳасиз, таълим муассасаларида

компьютер хоналарини ташкил этиш учун Интернет-технологиялар энг мақбул ҳисобланади. Аммо улар долзарб ахборотларни олиш, бутун дунё билан мулоқотга киришиш имкониятлари билан боғлиқ бир қанча афзалликлари бўлишига қарамасдан жиддий камчиликларга ҳам эга: алоқа тармоқлари яхши бўлмаган ҳолларда катта ахборотлар билан ишлашда қатор қийинчиликлар туғилади, алоқа тармоқларисиз ишлаб бўлмайди. Бундай камчиликларни электрон услубий қўлланма деб аталадиган оптик компакт-дисклардан фойдаланиш орқали бартараф этиш мумкин. Уларнинг нархи бугунги кунда жуда арзон бўлиб, улар ахборотни сақлаш ҳажми бўйича бошқа замонавий воситалар, масалан, ДВДдисклар билан таққосланганда анча афзал. Агар ана шу масалалар эътиборга олинса, Пешпубликамиздаги таълим муассасалари учун ўқув материалларини тайёрлаш учун дастурий-техник мажмуани яратиш долзарб ҳисобланади.

Битирув-малакавий ишининг долзарблиги. Мультимедиа технологиялари таълимда ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Кейинги йилларда республикамиздаги деярли барча турдаги таълим муассасаларида тайёрланган электрон-мультимедиа дарсликлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу технологиялар интерфаол усуллар билан қўшилган ўқув ахбороат акс эттириш учун хизмат қилади ва ўқитишни янги сифат босқичига олиб чиқади. Шу билан биргаликда замонавий компьютерлар техник воситаларининг ривожланиши мультимедиааларнинг визуал тузилмасини жиддий ўзгартириб юборади.

Бундай таълим муҳит яратишда ўқитиш воситаларини ишлаб чиқувчилар қатор мураккаб масалаларга дуч келадилар:

- таълим ҳақидаги ахборотлар визуал тарзда навигация воситалари билан бирга қўшилиб кетадиган оддий интерфайс дизайнини ишлаб чиқиш зарурти;
- графика, анимация ва мультимедианинг бошқа воситалари билан интеграллашган виртуал реаллик учун дастурий воситаларни жорий этиш;
- қўйилган педагогик мақсадга мос келувчи ўқув материалининг

ташкилий тузилмасини ва уни тақдим этиш шаклини аниқлаш.

Педагогик технология бу нафақат ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш (дастлаб педагогик технологияни ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш тарзида тушунилган), балки ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш техникаси, хусусан, ўқув материаллари ва усуллари лойиҳалаш ва амалда қўллаш воситасида таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил этиш йўли билан таълим жараёнини оптималлаштириш тамойилларини аниқлаш ва усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, қўлланилаётган методларни баҳолаш.

Таълим беришда фойдаланиладиган мультимедиали электрон услубий қўлланма яратишда фойдаланувчи учун ўқув материалнинг ахборотга бой, содда ва тушунарли бўлишига эришиш зарур.

Бу масалани ечиш усулларида бири ўқув материални тақдим этиш муддат, навигацион объектлар тўпламини қисқартириш. Бундай ҳолда ўқувчилар электрон услубий қўлланма интерфайсини тезда ўзлаштириб, кейин унга эътибор бермайдилар ва бутун диққат таълимий ахборотлар мазмунига жалб этади.

Юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ушбу “Анимацияларни яратишда ХАРАЗД дастури илан ишлаш бўйича ўргатувчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш” мавзусидаги битирув-малакавий ишим содда анимацион ҳарактлардан фойдаланишда қулай дастурлардан бири бўлган ХАРАЗД дастурида ишлашни ўргатувчи электрон услубий таъминотни инновацион педагогик ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўргатишни ташкил этишга бағишланган.

Битирув малакавий иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

1-БОБ. ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

1.1.Таълим жараёнларига ахборот технологияларини қўллашнинг аҳамияти

Бугунги кунда бутун дунёда (ахборот технологиялар) кенг кўламда ривожланмоқда. Шубҳасиз, таълим жараёнига янги ахборот технологиялар киритиш зарурдир. Замонавий жамият ахборот узтиш ҳажми ва тезлиги жиҳтидан чегараланмаган бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши билан ҳарактерланади.

Мультимедия ва интернет технологияларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши ахборот технологияларни мулоқот, тарбия, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш воситасида ишлатиш имконини беради. Ахборот технологияларнинг шахсият ривож, касбий белгилаш ва "оёққа туриш"даги аҳамияти яққол сезилиб турибди.

Таълим жараёнида ўқувчилар технологиялар билан ишлашни, таъсвирий объектларни ва маълумотлар базасини ахборот технологиялар, электрон жадваллардан фойдаланишни ўрганади. Ўқувчилар ахборот йиғишнинг янги усуллари, улардан фойдаланишни ўрганишади, уларнинг дунёқараши кенгаяди. Дарсларда ахборот технологияларнинг ўқишга бўлган мотивациясини, ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Компьютер ахборот технологиялар билан биргаликда таълим соҳасида, ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади. Илк бор таълим ахборот технологиялар шахснинг бўлажак касбининг асосий инсатрументи бўладиган вазият вужудга келади. Таълим ҳақиқтан ҳам ҳаётимизга бутун ҳаёт фаолияти давомида кириб келаверади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллашда шахснинг барча қобилиятларини – қизиқувчанлик, одоб-ахлоқ, ижодкорлик, мулоқот ва эстетик қобилиятларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш керак. Бу қобилиятлар кераклича юқори даражада рўёбга чиқиши учун педагогнинг таълим соҳасидаги

билимдонлиги зарур. Педагогларда бу билимдонликни ривожлантиришни олий ўқув юртларидаги ўқиш давомида бошлаш керак. Таълим соҳасидаги билимдонликни қуйидагилар билан ифодаласа булади: замонавий ахборот муҳитида тажрибани баҳолаш ва фаолиятда қўллаш қобилияти: шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш: умумий коммуникатив маданиятнинг, ахборот алмашишни ташкиллаштиришда тажриба ва назарий билимларнинг мавжудлиги: ахборотни олиш, танлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш, тақдим этиш, узатиш ва қўллаш маданияти ўзлаштириш.

Мультимедияли техник воситаларга эга бўлган компьютерлар видео ва аудио ахборотларнинг дидактик имкониятларидан фойдалана олади. Гиперматн тизимлари ёрдамида матннинг ўзида мурожаатларни ташкил қилса бўлади, бу эса калит сўзлар ёрдамида керакли маълумотларни излашни осонлаштиради. Гипермедия тизимлари фақат матинни эмас, балки таъсирни, рақамлаштирилган товушни, расмларни, мультфильм ва видеофильмларни ўзаро боғлаш имконини беради. Бундай тизимлардан фойдаланиш электрон қўлланмалари, китобларни, яратиш ва компакт дисклар ёрдамида тарқатиш имконини беради.

Ахборот телекоммуникацион тармоқларнинг ривожи эса сайёрамизнинг турли нуқталарида сақланаётган катта ҳажмдаги маълумотга эришиш имконини яратади ва шу билан бирга дистанцион таълим тизимлари ривожига туртки беради.

Компьютер имкониятларини оширувчи янги техник ва дастурий воситаларнинг пайдо бўлиши секин-аста "компьютер технологиялари" атамасининг "Таълимда ахборот технологияси" атамаси билан сиқиб чиқарилишга олиб келмоқда. Бу атама остида электрон воситалар ёрдамида ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш, ва ишлатиш жараёнлари тушунилади. Шундай қилиб, таълимни ахборотлаштириш деганда ўқувчиларга маълумотлар базаларидаги, билимлар базаларидаги, электрон қўлланмалар, архивлар ва энциклопедиялардаги маълумотлардан эркин фойдаланиш

имкониятларини тақдим этиш тушунилади.

Бу терминалогияга мос ҳолда таълим ахборот технологиялар ўқув жараёнини амалга оширишда ишлатиладиган электрон воситалар ва уларни ишлатиш усулларининг йиғиндиси сифтида таърифласа бўлади. Электрон воситалар таркибига қўлланилиши методик қўлланмаларида кўрсатиладиган аппарат, дастурий ва ахборот компонентлари киради.

Таълимнинг аппарат, инсатрументал ва дастурий воситаларининг жадал ривожини турли дидактик ғояларни амалга ошириш имкониятларини яратмоқда. Лекин, ўзимизнинг ва чет элларнинг таълимга ихтисослашган компьютер тизимларини кўриб чиқар эканмиз, уларнинг кўпчилигини дидактик кўрсаткичларга кўра хаттоки "қониқарли" ҳам деб бўлмайди. Гап шундаки, таълимга мўлжалланган "юмшоқ" маҳсулотнинг сифат даражаси уни лойиҳалаш жараёнида маълумотлар базасини ва электрон китобларни тўлдираётганда, моделлаштирувчи типдаги компьютер тизимлари билан ишлашни режаларини тузиш, мисол ва масалалари ишлаб чиқиш жараёнларида белгиланади. Афсуски, таълим тининг методик таъминоти техник воситалар ривожидан анча ортда қолмоқда. Буни методик жиҳатдан таълим тини психология, педагогика, телематика, кибернетика, информатика сингари мураккаб фанлар билан ишлаши билан тушунтирса бўлади. Касбий таълим учун таълим тини яратиш айнан унинг мавзуси соҳасини, дарс ўтиш методикасини яхши билиш зарурлиги билан ҳам қийинлашади.

Ҳозирги замон таълим тизими асосида технологик инновациялар, замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологиялар ётади. Бу технологияларни таълимда қўллаш натижасида педагогик метод ва усулларда, таълим берувчи ва таълим олувчилар меҳнат ташкил этиш шаклларида, таълимнинг иқтисодий механизмида ва ҳатто ҳозирги замон таълим назарияси ва методологиясида кескин ўзгаришлар юз берди. Бу замонавий таълим менежментнинг муҳим ўзига хос хусусиятини белгилаб берди.

Ҳозирги вақтда таълимда технологияларни танлашга технологик масала сифатида эмас, балки таълим соҳасидаги инновацион менежмент муаммоси

сифатида қаралмоқда. Бу муаммони муваффақиятли ҳал этиш учун барча кичик тизимлар, яъни таълим тизими элементлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш зарур.

Бугунги кунда ўқитиш жараёнини бошқаришга янгича ёндашувлар ташкилий инновацияларни ўзлаштириш ва уларни қўллашда яққол кўзга ташланади;

Ўқитувчилар меҳнат тақсимлаш (курс мазмуни ишлаб чиқувчиларни, ўқитиш методикаси бўйича мутахассисларни, таълим жараёнининг боришини назорат килувчи мутахассисларни меҳнати ва вазифасига кўра ажиратиш);

Ўқитувчиларни, ахборот технологиялари бўйича мутахассисларни ва ўқув жараёнини ташкил этувчиларни гуруҳларга ажратиш, масофадан ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш ишларини амалга оширувчилар гуруҳини ташкил этиш.

Таълимни ташкил этишдаги янгича ёндашувлар қуйидаги ҳолларда намоён бўлади;

-Таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш бўйича янги инновацион технологияларга асосланган мақсадга йўналтирилган сиёсатлар олиб бориш; таълим муассасаларида таълимнинг янги инновацион технологияларига асосланган тармоқларни ривожлантириш. Таълим муассасаларида амалга оширилаётган масофадан ўқитишга мисол бўла олади; ташкилий тузилмаларнинг янги турларини, институтционал шакллари ривожлантириш ҳозирги замон таълимига хос хусусиятдир. Масофавий таълим ва очик университетлар, телеуниверситетлар, виртуал синф ва виртуал университетларнинг ривожланиши таълимни ташкил этишга янгича ёндашувлар натижасидир.

Ҳозирги вақтда таълимнинг янги ташкилий тузилмалари, унинг янги тури ва шакллари давлат ва нодавлат таълим муассасаларида пайдо бўлмоқда. Дунёнинг қатор мамлакатаида замонавий нодавлат гуманитар университетлар, университетлар, ўқитишнинг янги шакллари институти таълимни бошқаришнинг янги тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқдалар.

Албтга, ноанъанавий турдаги янги таълим муассасаларини атестация ва аккредитациядан ўтказиш муаммосини ҳал этиш муҳим масала саналади. Бу муаммони ҳал этишда «Таълим тўғрисида» ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига таянилади. Аммо масофавий таълим ва таълим технологияларини амалда қўллашнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш лозим. Бу уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши кадрлар тайёрлашга давлат буюртмаси, таълим хизматлари ва таълим маҳсулотлари бозорининг шаклланиши ҳамда ривожланиши билан узвий боғлиқ. Бу таълим соҳасидаги менежментнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради.

Таълимни бошқаришнинг янги механизими, таълим соҳасида компьютерлар ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш, технологик инновацияларни ўзлаштириш қуйидагиларга имкон беради: таълим маҳсулотлари ва хизматлари истеъмолчилари кўпаяди; ўқитишнинг янги шакллари ва ноанъанавий таълимнинг ривожланиши жараёнида таълим маҳсулотлари ва хизмаахборот технологиялар таклиф этиш ортади; турли таълим муассасалари ўртасида кадрлар тайёрлаш бўйича рақобат ривожланади; уларнинг истеъмолчилар учун курашиши кучаяди.

Ҳозирги замон таълим технологиялари таъсирида ва бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида Ўзбекистонда таълим соҳасида қатор иқтисодий инновациялар шаклланмоқда, Хусусан:

- таълимни молиялаштириш манбаларининг диверсификатцияси;
- талабаларнинг ўз-ўзини молиялаштириши;
- корхоналар томонидан таълимни молиялаштиришнинг янги механизими;
- таълим соҳасида меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги механизми;
- таълим фаолияти миқёсига боғлиқ иқтисодий механизм.

Педагогик инновациялар қуйидагиларни тақозо этади: ўқитувчилар орасида меҳнатни тақсимлаш; ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш бўйича ўқитувчи ва бошқа мутахассисларни гуруҳларга, жамоага

бирлаштириш; ўқитувчи фаолияти самарадорлиги мониторинги ва педагогик жараёни ташкил этишга тузатиш киритиш.

Замонавий технологик инновациялар ўқитувчи фаолияти характерининг ўзгаришига, ўқитувчилар меҳнати диверфикациясига олиб келади. Бу педагогик фаолиятни ихтисослаштиришни талаб этади.

Педагогик инновациялар менежмент характерли хусусияти таълим жараёнини меҳнатни тақсимлаш асосида ташкил этишда кўринади.

Анъанавий таълимда меҳнатни тақсимлаш тамойилига деярли амал қилинмаган, чунки унда инновацион технологиялар қўлланилмаган. Ўқитувчилар меҳнати нотўғри тақсимланган, кўплаб курслар мазмуни ва мақсади деярли бир-бирига ўхшаш бўлган.

Янги ахборот технологияларни ривожланиши таълимни жиддий ислоҳ қилишга ва меҳнатни тақсимлаш асосида ўқитиш жараёнини бошқариш йўли билан таълим самарадорлигини оширишга имкон беради. Таълим самарадорлигини оширмасдан туриб, таълим муассасасида таълим олувчиларни сезиларли даражада кўпайтириш мумкин эмас.

Инновацион таълим жараёнида ўқитувчиларнинг асосий ихтисосликлари қуйидагилар ҳисобланади: курсни ишлаб чиқиш бўйича мутахассис, яъни курслар дизайнери; ўқитиш методи бўйича маслаҳатчи ёки янги атама билан ифодаладиган бўлсак, тьютор, яъни ўқув курсини интерфасал тақдим этиш бўйича мутахассис; инвигилатор таълим натижасини назорат қилиш бўйича мутахассис, тестлар, синовлар, иматихонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул. Курс мазмунини ишлаб чиқувчи дизайнер предмет ўқитувчиси, яъни мутахассис бўлиши зарур. Предмет ўқитувчиси замонавий таълим технологияларини мукамал эгаллаши керак, чунки ўқув курси замонавий компьютерлар ва телекоммуникацион технологияларга асосланади. У ўқув материални танлайди, тартибга солади ва шакллантиради. Курс мазмунини ишлаб чиқувчи шахс ўқитиш мақсадига эришиш даражасини ҳам баҳолайди. Бунда предметни айрим таълим олувчининг қандай ўзлаштиргани ва бутун курснинг ўзлаштирилиши натижаси баҳоланади.

1.2. Замонавий ахборот ўқитиш муҳитлари тушунчаси ва педагогик моҳияти

Юқори сифатидаги ва юқори технологик ахборот-ўқитиш муҳит яратиш, асосан, таълим тизимининг технологик базасини тубдан модернизациялаш, постиндустриал жамият талабларига жавоб берадиган очиқ таълим тизимига ўтиш имконият яратадиган етарлича мураккаб бўлган техник масала сифатида кўрилади. Шу билан бирга, ахборот таълим муҳит яратиш фақат техник масала эмаслигини инкор этиб бўлмайди.

Уни яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш учун барча таълим тизимининг илмий-услубий, ташкилий ва педагогик потенциалини тўлиқ ишга солиш керак бўлади. Шу мунсабатда, замонавий ахборот-таълим муҳити ишлатилаётган шароитда педагогика муносабатларини ҳам ҳисобга олмоқ лозим.

Ахборот – таълим муҳити тушунчасини таърифлашга бўлган қандай ёндошишлар мавжуд?

Кенг маънода таълим муҳити ижтимоий-маданий муҳит подсистемасидир, тарихдан келиб чиққан ситуация, фактлар тўпламидир. Бу тушунча махсус ташкил этилган, шахс ривожланишига қаратилган педагогик шарт-шароитлар бирлиги билан ифодаланади. Ахборот-таълим муҳити таърифлари тўпламининг таҳлилидан шу хулосага келиш мумкинки, бу ахборот, техник, ўқув-услубий подсистемалар жамланмаси бўлиб ўқув жараёни ва унинг қатнашчиларини таъминлашга мақсадли қаратилгандир.

Бир қатор тадқиқотчилар ижтимоий-маданий муҳит сифатида одам ривожланиши ва таълим олишни белгиловчи асосий факторлар системасини тушунишади:

- Таълим жараенига таъсир ўтказувчи шахслар;
- Мамлакатдаги ижтимоий-маданий муҳит (бунда педагогик маданият ҳам киради);
- Оммавий ахборот воситалари;

- Тасодифий воқеалар.

Г.Ю.Беляев келтирган белгиларни асосий ҳисоблаб таълим муҳит типологик белгиларини таърифлаймиз:

1. Ихтиёрий даражадаги таълим муҳити тизимидан келиб чиққан мураккаб таркибли объектдир.

2. Таълим муҳиахборот технологияларнг бутунлиги, тизим, эффекти етишишлик синоними бўлиб бунда узлуксиз таълим даражасида ўқитиш ва тарбиялашдан иборат комплекс амалга ошириш назарда тутилади.

3. Таълим муҳити маълум бир ижтимоий ҳамжамият бўлиб унда инсонни дунёга ижтимоий-маданий адаптацияси орқали одамларни бир - бирига муносабат ривожланади.

4. Таълим муҳити, ҳар хил сифатидаги айрим ҳолларда бир бирини инкор этувчи сифатларга эга локал муҳитлар турларини шаклловчи кенг спектрдаги модуллика эгадир.

5. Мақсадли – баҳолашли режалашда таълим муҳитлари ижобий ҳамда салбий таъсирлардан иборат тарбиявий эффект беради, тарбия йўналиши таълим жараёнининг умумий мазмунидан келиб чиқиб мақсадли буюртирилади.

6. Таълим муҳити нафақат таълим бериш шароити, балки ўқитиш ва тарбиялаш воситаси ҳам бўлади.

7. Таълим муҳити, педагогик таъсир, тенденциялари, бош шарт-шароитларидан координата системасини ташкил этувчи ижтимоий, предметли ва психолого-дидактик компонентларнинг диалектик ўзаро таъсир жараёни бўлмоқда.

8. Таълим муҳити, ўқув ситуациядан ҳаётга ўтиш даврида шахсий фаолиятни шакллантиради.

Бевосита ахборот ўқитиш муҳити тушунчага таъриф берилаётганда мавжуд бўлган ҳар хил ёндошишларни кўриб чиқамиз. Ахборот ўқитиш муҳити сифатида қуйидагилар тушунилади:

- таълим жараёни субъекти сифатида инсон билан узлуксиз боғлиқ бўлган

ахборот-техник, ўқув-услубий таълимотнинг тизимли тартибга солинган тўпламига айтилади;

- ахборотни анъанавий ва электрон ташувчиларга уйғунлаштириш йўл билан қурилган, виртуал кутубхоналарни, тақсимланган маълумотлар базаларини, ўқув-услубий мажмуаларни ва дидактиканинг кенгайтирилган аппарат ўз тартибига олган ягона ахборот-таълим фазасига айтилади.

Хаттоки, шу тарифларда ҳам, ахборот-ўқитиш мухити каби мураккаб ходисанинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги хилма-хил фикрларни кузатиш мумкин. Шу каби мураккаб ходисаларни тушуниш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш учун бу жараёни формализация қилиб математик модели ёки ходисани таърифловчи моделларни ишлаб чиқиш лозим. Кундузги ўқиш шакли бўйича ўтиладиган ўқув жараёни, ва мисол сифатида интернет-таълим орқали бериладиган ўқитиш жараёни битта назарий модел билан берилади.

Ахборот ўқитиш мухит шунга ўхшаш таърифлари мавжуд. Ушбу йўналишнинг бир вариант қуйидагидек келтирамиз: —Ахборот таълим мухити – педагогик тизим ва унинг таълимотидан иборат, яъни, моддий-техник, молия-иқтисодий, меъёр-ҳуқуқий, бошқарув ва маркетинг тизим остиладир. Назарий жihatдан бутун ахборот ўқитиш мухит негизи айнан педагогик тизимдан иборатдир. Ахборот ўқитиш мухити деб аталувчи янги тузилмадаги педагогик жараёнларни тадқиқ этувчи педагогика фанининг янги йўналиши ҳақида гапириш мумкин. Шундай янги йўналишни биз, шартли равишда - электрон педагогика деб атаймиз. Интернет тармоғидаги ўқув муассасасининг виртуал ваколатхонасидаги ахборот ўқитиш мухитида ўқув жараёнини ташкил этувчи қисмларини кўриб чиқамиз.

Ўқув муассасасининг виртуал фазоси.

Ахборот-таълим мухити бу янги даражадаги педагогик тизимдир. Ахборот технологияси тушунчасининг бир қатор таърифлари мавжуд. Ушбу ёндашувнинг битта варианты деб «Ахборот-таълим мухити бу педагогик тизим ва унинг таъминоти, яъни моддий-техник, молиявий-иқтисодий, норматив-ҳуқуқий, бошқарув ва маркетинг қуйи тизими» деб қараш мумкин.

Барча ахборот технологияси назарий ядроси бўлиб педагогик тизим ҳисобланади. Ахборот технологияси деб аталадиган янги ташкил қилинган педагогик жараёнлар тадқиқ қилинадиган педагогик фаннинг янги йўналиши тўғрисида гапириш мумкин.

Бунга «Электрон педагогика» деб номланадиган янги йўналиш киради. Қайси ташкил қилувчилар ёрдамида ахборот технологиясида, масалан, интернет тармоғининг ўқув юртларидаги виртуал вакилликда ўқув жараёнини амалга оширилишини кўриб чиқамиз.

Ўқув юртида ўқитишни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ўқитувчи ва талаба бўлган асосий фойдаланувчиларнинг ҳар қандай тоифаларининг функционал мажбуриятларини амалга ошириш имконият таъминлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган сервис хизматнинг тўплами (дастурий модуллар) ни ўз ичига олади. Бунда ахборот ресурсларининг таркиби ва мазмуни ўқув юрти томонидан, сервис хизматлар тўплами намунавий дастурий таъминот билан белгиланади. Бошқача айтганда, бу алоҳида ўқув юртида ўқув жараёни таъминлайдиган сервис хизматлар ва ахборот ресурсларнинг тўлиқ тўпламини ўз ичига олган дастурий комплекс ҳисобланади. Маъмурлаштириш намунавий методика асосида ўзининг ўқитиш методикасини амалга оширган ҳолда асосий ўқув юрти бошқаради.

Хар бир ўқувчига қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

- ўқув-методик таъминоти жойлаштирилган электрон кутубхонадан фойдалана олиш;
- ўқитувчи билан электрон почта орқали мулоқат қилиш;
- ҳар бир ўқитиладиган курс бўйича телеконференция;
- ўз виртуал ўқув гуруҳининг талабалари билан мулоқат қилиш;
- он-лине режимда ва бир қатор имкониятлар билан ўқитувчидан маслаҳат олиш.

Виртуал вакилликнинг асосий функцияларини амалга оширувчи асосий қуйи тизимлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-Маъмурий қуйи тизим бўлиб намунавий генерацияланадиган

модуллерни яратиш. Фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва уларга белгиланган ҳуқуқларни бериш, барча асосий модуллернинг ўзаро ишлаши ҳисобланади;

-Хисобга олиш қуйи тизим (электрон ходимлар бўлими) – барча тоифадаги фойдаланувчиларнинг шахсий йиғма жилдини яратиш ва олиб бориш ҳисобланади;

-Кутубхона қуйи тизим (электрон кутубхона) – ахборот ресурсларини фойдаланувчиларнинг ваколатига ҳамда ўқув юрти томонидан белгиланадиган шартларга мувофиқ тўплаш, сақлаш ва тақдим қилиш ҳисобланади;

-Ўқув жараёнини ташкил қилиш қуйи тизими (электрон деканат) – ўқув гуруҳлар, машғулотлар жадвали, ўқув жараёнининг бориши юзасидан назоратни ва бошқаларни шакллантириш;

-Билимларни назоран қилиш қуйи тизими (тестли қўйи тизим);

-Статистика қуйи тизими иши тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш, шакллантириш ва тақдим этиш ҳамда, ишларга баённомалар ёзиш;

-Хужжатлаштириш қуйи тизими – турли хужжатларни қоғоз кўринишда чиқариш.

Ўқув жараёнига тааллуқли бўлган асосий сатруктурали блоклари бўлиб ушбу схемада электрон кутубхона ва электрон деканат ҳисобланади. Электрон кутубхона функциялари – ўқув-методик таъминотдан он-лине режимида фойдаланиш учун ўқув-методик таъминотнинг ўқув жараёнида қуйидагиларни тўплаш ва амалга ошириш ҳисобланади:

- матн;
- аудио ва видеомат;
- гиперматнли қўлланмалар;
- график тасвирлар;
- ўқув компьютер дастурлар;
- моделлаштирилувчи тизимлар;
- автоматлаштирилган лаборатория практикумлар;
- бир нечта типдаги матнли топшириқлар ва бошқалар.

Ўқув жараёнида ўқувчилар ҳар бир ўқитиладиган фанлар бўйича

мажбурий ва қўшимча ўқув-методик матн билан таъминланади. Электрон деканат функциялари бўлиб тегишли ўқув гуруҳларини шакллантириш ҳисобланади, бу ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятлар ташкил қилиш, аниқ ишини таъминлаш имконини беради. Ўқув гуруҳлари учун эълонлар тахтасида, унинг ёпиқ қисмида жойлаштириладиган жадвал тузилади. Шунинг ўзида ўқув гуруҳининг таркиби тўғрисидаги ахборот, маъмурияти, деканат ёки ходимлар бўлимининг ахбороти жойлаштирилиши мумкин.

Ўқитиш методикасига мувофиқ ҳар бир ўқув гуруҳи учун ўқувчиларнинг жамоа воситаси каби электрон аудиторияси ёки форумлари яратилиши (очирилиши) мумкин. Бунда ўқув юрахборот технологияларнинг ўқув жараёнини олиб бориш учун зарур бўлган ўқув ва маъмурий ресурсларни шакллантиради, ушбу ресурслар у ёки бошқа фан бўйича ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ишлаб чиқариш модули деб номланади ва заруриятга қараб яратилади.

Ўқув юрти бундай модуллар сони ўқитувчилар эҳтиёжлари ва улар томонидан амалга ошириладиган ўқитиш методикаси билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш керак.

Шундай қилиб, ахборот-таълим муҳити педагогик тизим каби қуйидаги функциялар юкланадиган ўқитувчининг янги ролини белгилайди:

- билиш жараёнини мувофиқлаштириш;
- ўқитиладиган фанни тўғрилаш;
- яқка тартибда ўқитиш режасини тузишда маслаҳат бериш;
- ўқув режаси, ўқув лойиҳаларига риоя қилиш.

Ўқитувчи-консультант (ёки тьютор) ўз билимларини намоён қилиш, технологик, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик имкониятларни олиш, максимал педагогик натижаларни олиш керак. Ўқув муассаса ўзининг бир ёки бир нечта мутахассисликлар бўйича алоҳида курслар (фанлар) бўйича ўқитишни амалга оширади. Бунда дастурий таъминот ўқувчилар томонидан, у ўқишни истаган, ўқитувчини танлаш имкониятлар ахборот технологиялар таъминлайди. Ўқувчилар ҳар бир ўқитувчининг ишлаш тажрибасини характерлайдиган маълумотлар (анкета маълумотлари, илмий ва

педагогик стаж, асосий илмий ишлар ва ютуқлар ҳамда ўқитувчи ўз файлига жойлаштиришини зарур деб ҳисоблаган бошқа маълумотлар) билан танишиши мумкин. Ўқитувчининг танлови, қоидага кўра, фан бўйича ўқув-методик таъминотни танлаш амалга оширилгунга қадар, ўтказилади. Шу сабабли ўқув жараёнига бевосита тааллуқли бўлган битта блокни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади ва келтирилган схемада келтирилмаган, бу электрон кафедрадир. Электрон кафедрани қуриш идеологияси тўғрисидаги масала ишлаб чиқиш ва ўрнатиш босқичида турибди.

Ахборот технологияларда анъанавий кафедрадан фарқли бўлган виртуал (тақсимланган, экстерриториальный) кафедраларнинг ишлаш шароитларининг шартлари ўзгариши мумкин. Ушбу шартларни аниқлаш учун мамлакатимиз университетлари кафедралари ва хорижий худди шундай кафедраларнинг ташкилий, методик ва илмий фаолияхборот технологиялар, шунингдек кафедранинг фаолиятини таъминлайдиган ахборотнинг типии, таркиби ва характеристикасининг таҳлилини ўтказиш зарур.

Биринчи навбатдаги чоралар сифатида қуйидагиларни:

- ўқув-методик, илмий, ташкилий ва бошқа инновацион функцияларни амалга оширишда АКТ базасида тақсимланган (виртуал) кафедранинг концепциясини;
- АКТ базасида тақсимланган (виртуал) кафедранинг ишлаш сатруктураси ва принципларини;
- Интернет тармоғида кафедранинг виртуал вакиллари концепциясини;
- Илмий, методик ва илмий-тадқиқот фаолиятни таъминлаш учун интерфаол ахборот тизимлар каби кафедранинг намунавий концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш натижасида қуйидагиларни:

- университет таълим комплекси таркибидаги тақсимланган (виртуал) кафедрасининг концепцияси;
- тақсимланган (виртуал) кафедранинг ўқув, илмий ва методик ишини ташкил қилиш бўйича методик тавсияларни олиш мумкин.

Интернет-кафедра каби тақсимланган кафедра маъмурий ва миллий чегаралар билан чекланмаган. У ўз фаолияти мамлакатимизнинг барча субъектларида, шунингдек хорижда амалга ошириши мумкин. Бунда кафедра университет таълим комплексининг талабалари, докторантлари ва тингловчиларни амалга оширадиган таълим олишнинг барча даражаларидаги таълим дастурлари, ўқитишнинг барча шакл ва технологиялари бўйича ўқитишни ташкил қилади.

Тақсимланган кафедра қуйидаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларнинг барча турларини амалга ошириши мумкин:

- маърузалар, шу жумладан гурухли аудиторида;
- тармоқ синфларида маърузалар;
- теле ва видеоконференциялар режимида;
- маъруза-тақдимотлар;
- амалий машғулотлар, шу жумладан барча технологик муҳитда семинар ва лаборатория машғулотлари, ўқув-машғулот синфлари ва фирмалардаги ўқув машғулотлари;
- талабалар, аспирантлар, докторантлар, тингловчиларнинг мустақил (якка тартибда бажариладиган) ишларни ташкил қилиш, шу жумладан курс иши ва диплом лойиҳасини бажариш, маълумотлар базаси ва ўқув-методик адабиёт билан ишлаш, рефератлар, курс ишлари ва дипломни лойиҳаларини луғат шакллантириш;
- электрон почта ва бошқа телекоммуникациядан фойдаланиб ўқув гурухлар конференциясини, электрон почта ва телекоммуникациядан фойдаланиб курс мавзуларини ўзлаштиришда ўқитиладиганларнинг ношаклий мулоқаахборот технологиялар ташкил қилиш;
- консультациялар: якка тартибда ва гурухли (тьюториаллар);
- назорат қилиш тадбирлари – кундузги бўлимда иматихонларни офф-лине ва он-лине режимларда, теле-видеоконференциялар режимида ўтказиш;
- курс ва диплом (лойиҳалар) ишларини тайёрлашни ташкил қилиш ва раҳбарлик қилишни ўтказиш;

- битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ташкил қилишда иштирок этиш;
- давлат таълим стандартларида назарда тутилган амалиётни ташкил қилишда иштирок этиш.

Тақсимланган кафедранинг асосий функциялари, албатта, ўқув жараёнини ўқув-методик қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Биринчи навбатда, бу ўқув курсларини ишлаб чиқиш. Ҳар бир таклиф қилинган курс бўйича ўқув машғулотлар ўтказилишини тартибга солувчи ишчи дастур ва бошқа ҳужжатлар (жорий аттестациянинг саволлари, курс ишларининг тематикаси, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати, интернет тармоғидаги манзиллар) тайёрланади.

Ўқув жараёнини ўқув-методик қўллаб-қувватлаш таълим фаолиятни ўқув-методик таъминоти бутун комплексини тайёрлашда ифодаланади:

- ўқув адабиётлар;
- ўқув қўлланмалар;
- маърузаларнинг муаллифлик курслари;
- топшириқлар тўплами, ситуацион топшириқлар ва машқлар тўплами (сасе-студй);
- тестлар тўплами;
- лаборатория ва бошқа амалиётлар;
- ўқув-машғулотлар синфларидаги машғулотлар учун интеграцияланган қўлланмалар;
- курсни ўрганиш бўйича қўлланма (студй-гуиде);
- компьютер дастурлари, шунингдек мустақил ишни ташкил қилиш учун бошқа материаллар.

Таълим фаолияти ўқув-методик таъминоти турли технологик муҳитларда (фасе-то-фасе ўқитиш, тармоқ ўқитиш, мультимедия ўқитишдан) фойдаланиш учун турли ахборот ташувчиларда (қоғоз ташувчилар, СД-РОМ, дискетлар, видеокассетлар, аудиокассетлар) бўлиши мумкин.

1.3 Масаланинг қўйилиши

Республикамызда юксак малакали ва янгича дунёқарашга эга бўлган миллий кадрларни тайёрлаш, ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар қаторида таълим- тарбия тизимини тубдан ислох қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш долзарб масала бўлиб қолди. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ҳамда таълим тизимини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни батамом бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш усуллари илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари илгари сурилади. Бунда асосий эътибор жаҳон интеграциялашуви жараёнини жадал сурътларда ривожлантириш, бунинг учун мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади.

Хозирги кунда инновацион технологиялар ҳисобланмиш педагогик ва ахборот технологиялар ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан- кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади. Олий таълим соҳасининг таълим жараёнида инновацион таълим технологиялари бўлмиш педагогик ва оптимал фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб менга берилган ушбу “Анимацияларни яратишда ХАРАЗД дастури илан ишлаш бўйича ўргатувчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш” мавзусидаги битирув малакавий ишимда қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш зарур бўлади:

- Таълим жараёнларига ахборот технологиялар қўллашнинг аҳамиятини таҳлил қилиш;
- Замонавий ахборот ўқитиш муҳитлари тушунчаси ва педагогик моҳияахборот технологиялар ўрганиш;
- Анимацияларни яратишда ХАРАЗД дастури билан ишлаш бўйича дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- ХараЗД дастурининг интерфейси ва ускуналар панели тавсифини келитириш;
- ХараЗД да объектлар билан ишлаш;
- “ХараЗД да объектлар билан ишлаш” мавзусида дарс сценарийси ҳамда таълим технологиясини ишлаб чиқиш;
- Анимацияларни яратишда ХАРАЗД дастури билан ишлаш бўйича ўргатувчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш учун дастурни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- Дасатрудан фойдаланиш йўриқномасини ишлаб чиқиш;
- Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва асосий муҳофаза воситаларини ўрганиш;
- Электр қурилмаларида қўлланиладиган шахсий муҳофаза воситалари билан танишиш.

2-БОБ. АНИМАЦИЯЛАРНИ ЯРАТИИШДА ХАРАЗД ДАСТУРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

2.1 ХараЗД дастурининг интерфейси ва ускуналар панели тавсифи

ХараЗД дастури компьютерларга жуда ҳам сода усулда ўрнатилади. бунинг ўрнатиш файли мавжуд бўлса етарлидир. Дастур ўрантилганидан сўнг уни ишга туширилса, қуйидагича ишчи ойнаси ҳосил бўлади:



2.1.1-расм. ХараЗД ишчи ойнаси.

Ушбу ойнада кўриниб турибдики, қуйидаги ускуналар панеллари жой олган:

1. Стандарт ускуналар панели
2. Матнларни таҳрирлаш панели
3. Мультипликацияларни кўриш
4. Кўриш ойнаси
5. Созламаларни танлаш
6. **Опцион барс- Созлаш панели:**
7. Лойиҳаларни танлаш лойиҳаси
8. Ҳолатлар сатри

Диалог ойналари ва асбоблар панелларини ўрнатиш ва очиш. Асбоблар панеллари ва ойналарини очиш ва кўчиришингиз ва уларни бирон-бир жойга жойлаштиришингиз мумкин (сичқонча билан судраб). Бу, айниқса, агар сизда иккита монитор мавжуд бўлса, сиз, масалан, ойнангизни бир экранга қўйинг ва 3Д иш жойига бағишланган бошқа мониторни сақланг.

Агар силжитиш ёки ўчиришни хоҳламасангиз СТЛ тугмачасини босиб ушлаб турганда панелни силжитинг.

Панелнинг асл жойига қайтишни истасангиз, Ойна менюсида Ресет ни танланг.

Опртион барс – созламалар панели.

Созламалар панели (ўнг панел) Хара 3Д Макер тахрирлагич менюсининг асосий буйруқларини ўз ичига олади.

Созламаларнинг панелга кирувчи барча гуруҳлари **Window -Оптионс тоолбар** менюсидан очилади. Созламалар панелини бошқа панеллар сингари экраннинг ихтиёрий қисмига суриб ўрнатиш мумкин.

Оптион барс панелини ҳам худди шундай бошқариш мумкин. созламалар панели қуйидаги гуруҳ созлашлардан ташкил топган:

- **Аниматион оптионс** – мультипликацияларни созлаш
- **Бевел оптионс** – қиялик, нишабликни созлаш
- **Солор оптионс** – рангларни созлаш
- **Десигн оптионс** – тайёр лойиҳалар вариантларини танлаш
- **Ехтруссион оптионс** – қалинликни созлаш
- **Шadow оптионс** – сояни созлаш
- **Техтуре оптионс** – текстура (фон)ни созлаш
- **Виеw оптионс** – намоиш варинтларини танлаш

Интерфейс эленментлари

Стандарт ускуналар панели



1. New – янги графикани яратиш.
2. Open – мавжуд ХЗД файлни очиш (Хара 3Д Макер форматли файл) ёки бошқа форматдаги файлларни импорт қилиш
3. Save – файлни кейичалик таҳрирлаш ва фойдаланиш учун ХЗД форматда сақлаш. (Хара 3Д Макер экспорт қилинадиган файлларни таҳрир қила олмайди).
4. Export image – сттик тасвирларни тармоқ ёки бошқа дастурларда фойдаланиш учун БМП, СУР, Флаш SWF, GIF, ИСО, ЖПГ ёки PNG форматларда экспорт қилиш.
5. Animation pincer – мультипликация вариантларини танлаш учун очиш. Бу мавжуд ХЗД форматли файл параметрларидан нусха олиб, мультипликацияларни созлашнинг энг осон йўлларида бири.
6. Style pincer - услублар танлови (дизайн) ни очади. Мавжуд ХЗД файлларидан танланган дизайн вариантларини (масалан, ранглар ёки буруқлар) кўчириб олишнинг осон йўли.
7. Undo – амалларни бекор қилиш
8. Redo – бекор қилишни бекор қилиш
9. Show/щиде сурсор – матнда курсорни кўрсатиш/беркитиш.
10. Start/стоп аниматон – мультипликацияни кўришни бошлаш/тўхтатиш.
11. Show/щиде лигштинг - Яратилган графадаги ёритиш созламаларини кўрсатиш / яшириш.
12. Display as Flash - Флаш форматида кўрсатиш.
13. Show/Щиде Фраме - Фрамни кўрсатиш / яшириш - бу асосий уч ўлчовли Макер Хара ойнасида кичик ойнада (Фраме) графикани кўрсатади. Фрамнинг афзаллиги шундаки Хара 3Д Макер файлни сақлаганингизда унинг хажмини эслаб қолади. Файлни келажакда очиш ўша ўлчамдаги сатруктури кўрсатади. Бу кичик графикалар учун ҳам фойдалидир, чунки сиз асосий ойнани кичик қилишингиз шарт эмас.

Асбоблар панелидаги тугмаларни қўшишингиз ёки ўчиришингиз мумкин

(панел охиридаги учбурчак белгисига босинг).

МАТНларни тахрирлаш панели

Матн тартибга солиш панели матни услублаш учун қисқача буйруқлар тўпламини ўз ичига олади. Буйруқларнинг тўлиқ рўйхати **Текст Опционс** (чап панель) тугмасини босиш билан ёки **Window - Текст Тоолбар** менюси ёрдамида.



Мультипликацияни кўриш панели

Панел яратилган анимацияни олдиндан кўриш учун мўлжалланган. Панел **Window - Тиме Лине** менюси ёрдамида очилади/ёпилади



1. Плай- Уч ўлчамли Макер Хара ойнасида анимацияни олдиндан кўриш. (Стандарт асбоблар панелидаги Старт / Стоп тугмасини босиш билан бир хил).

2. Паузе - Пауза (тугмани иккинчи марта босиш анимацияни давом эттиради)

3. Стоп - Анимацияни тўхтатиш (стандарт асбоблар панелида Старт/Стоп-ни босиш билан бир хил).

4. Ревинд – Мультипликациянинг биринчи кадри

5. Баск - Мультипликациянинг аввалги кадри


6. Фаст форвард - Мультипликациянинг навбатдаги кадри

7. Фаст форвард – Сўнгги кадр

8. Тиме лине - Кадрлар ўзгаришини кўрсатадиган ўлчов. Аниматорда маълум бир элементга ўтиш учун слайдерни судраб олиш мумкин.

Созламаларни танлаш панели

Созламаларни танлаш панели (чап панель) ўнг панелдаги созлашларни очиш имконини беради.



1. **Текст опционс** – матнларни созлаш
2. **Солор опционс** – рангларни созлаш
3. **Ехтруссион опционс** – қалинликни созлаш
4. **Десигн опционс** – лойиҳалар варианты
5. **Бевел опционс** – қирраларни созлаш
6. **Shadow опционс** – сояларни созлаш
7. **Текстуре опционс** – текстура (фон)ни созлаш
8. **Вью опционс** – намоиш этиш вариантлари
9. **Аниматион опционс** – мультипликацияни

созлаш

Опцион барс – созламалар панели

Созламалар панели дастур ойнасининг ўнг томонида жойлашган. Ишнинг муайян турлари учун созламалар билан очиладиган рўйхат. Чап панелдаги тугмачалар шунингдек Созлаш панелида мавжуд бўлган барча созламаларни ҳам очиши мумкин.

Десигн тоолбар – лойиҳани танлаш панели



Дастур ойнасида панел пастки чапда жойлашган.

Лойиҳа турини (матн, тугма, рамка, ва ҳоказо) танлаш имконини беради.


Танлов панелини ишлатиш осон, чунки танлов дарҳол олдиндан кўриш ойнасида акс этади.

Лойиҳа танлаш панели турли хил лойиҳалар турларини алмаштиришни осонлаштиради.

Лойиҳа танлаш панели функцияси билан созлаш панелидаги (ўнгда) Десигн Опционс кўринишида бўлади..

Ҳолтсатри - (Статус бар)

Холат сатри тахрирланган объект билан барча ишлов беришнинг рақамли кўрсаткичларини беради. Ойна менюсидан очилади / ёпилади.




1. Чап қисмда сичқончани тартибга олинган объектга ёки тугмачаларни босганда тартибга солиш ҳақида маълумот берилади.
2. Ушбу бўлимда тахрирлаш ойнасининг пикселдаги ўлчами кўрсатилган.
3. Ушбу бўлимда бурилиш бурчаги (ойна вертикал ўқи, ойнанинг горизонтал ўқи ва горизонтал матн ўқи) кўрсатилган.
4. Мухаррир ойнасини (сичқончани сурунг) қайта ўлчамларини ўзгартириш.

Десигн оптионс – лойихалар вариантлари – қандай лойиҳа яратиш танланади: оддий матн, рамкали матн, тугма ва шу кабилар.



Бундан ташқари, созлаш панелидаги (чапда) ушбу тугмани босиш орқали лойиҳа параметрларини кўрсатишингиз мумкин. Ушбу вариантлардан фойдаланиб матнли хабар ёки шаклни оний лойиҳага айлантириш мумкин.



Чап пастдаги очилган рўйхатда лойиҳа турини (матн, тугма, рамка, ва ҳоказо) танланг ва пастдаги чапдаги десигн тоолбар панели ёрдамида осонликча бу лойиҳа турлари ўртасида ўтишингиз мумкин.

Ўнг томондаги очилган рўйхатда тугма шаклини танланг.

Стретч - Кенглик ва баландлик нисбатан белгиланг. 100% - кенглиги ва баландлиги тенг.

Сорнерс (бурчаклар): Тугмалар квадрт ёки юмалоқ бурчакларга эга бўлиши мумкин. Танланган параметр билан (юмалоқ бурчаклар учун) бурчак радиусининг ўлчами ёзилади.

Сизе (Размер) - матнга қўлланилади. Матнни тугма ёки чегара билан солиштириш имконини беради.

Х-Й – фақат матнга нисбатан қўлланилади. Матнни тугма, тахта ёки чегара билан таққослаш имконини беради.

Англе – фақат матнга тегишли: Матннинг бурчагини тугма, тахта ёки чегара билан алмаштириш имконини беради.


Десигн пискер - муҳарририда мавжуд бўлган объект шаблонларидан танланг.

Мавжуд ХЗД файлларидан лойиҳа формасини импорт қилишингиз мумкин. Ушбу лойиҳа юқорида кўрсатилган лойиҳалар турларидан бири билан фойдаланилиши мумкин.

Текст оптионс – матн бир ҳарф ёки бир нечта ҳарфлар, сўз, бир неча сўзлар, бир нечта сатрлар.

Матн параметрларини очиш учун созуламаларни танлаш панелида (чап панел) **Текст оптионс** устига босинг. **Текст оптионс** ойнаси очилади.

Агар танланган матн майдони бўлса, унга фақатгина ўзгаришлар киритилади.



1. Қалин шрифт

2. Курсив

3. Схематик тасвирли шрифт

4. шрифт ҳажми (матн қисмини танлашда). Матннинг қолган қисмига нисбатан танланган матн қисмларини кичикроқ (100% дан кам) ёки каттароқ (100% дан юқори) қилиш имконини беради.

5. Аспест ратио - Моторни юқorigа ва пастга силжитиш, ҳарфларнинг кенглиги (100% дан кам) ёки кенгайтириш (100% дан юқори) ни имкон беради. 80% дан каттароқ ёки ундан юқори бўлган матнлар матнни бузиши мумкин - бу ишлатилган шрифт турига боғлиқ.

6. Жустифисатион - мослаштириш. Матн бир нечта сатр мавжуд бўлганда ишлатилади. Сиз чап қирраларни, марказларни ёки сатрларни ўнг қирраларини текислашингиз мумкин.

7. Лине спасинг - чизиқлар орасидаги масофа. Матн бир нечта сатр мавжуд бўлганда ишлатилади. Танланган матн майдони бўлса, фақатгина унга тегишли ўзгаришлар киритилади.

8. Траскинг - ҳарфлар оралиғини белгиланг. Салбий қадриятлар ҳарфларни ўзгартиради, ижобий қадриятлар сурилади.

9. Баселине шифт — фақат танланган матн майдонига амал қилади. Ижобий қадриятлар матннинг қолган қисмидаги танланган матн қисмини кўтаради, салбий қадриятлар эса уни қуйида қолдиради.

10. Кернинг — фақат танланган матн майдонига қўлланилади. Курсорнинг ҳар икки томонидаги матн қисмлари орасидаги интервални ўрнатинг, танланган ҳудудда бирон бир ҳарф ёки ҳарфни билдиради.

11. Лине брек - бу ҳар қандай ҳарфни ёки сўзни курсор ўнг томонига ҳарфлар ёки сўзларнинг чап томонидаги сатрда узиб қўяди. Шифт + энтер тугмачасидан фойдаланиб, клавиатурадан бир қатор узилишини яратишингиз мумкин.

12. Паге брек - Саҳифанинг охири: Ҳар бир саҳифани ажратиш учун кўп анимациясини яратишда фойдаланилади. Бундан ташқари, **эдит** менюсида **Инсерт Паге Брек** -ни босиб, саҳифанинг охирини қўшишингиз мумкин.

Шрифтлар рўйхати

Шрифтлар рўйхати **Текст опционс** параметрларини ишлатганда шрифт дизайни панелида (юқорида) ва **Текст опционс** ойнасида кўрсатилади.

Ушбу рўйхатда махсус Хара 3Д Макер шрифтлари, жумладан, компьютерингизда ўрнатилган барча ТруеТйпе шрифтлари кўрсатилган.

